# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Акмалжон ҚОСИМОВ билан мулоқот

### Олий Мажлиснинг XII сессияси олдидан

**— Биз сиз билан мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллиги байрами арафасида суҳбатлашмоқдамиз. Аввало, ушбу айём барчамизга муборак бўлсин, деймиз.**

**Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясининг ўзига хос жиҳати шундаки, у мамлакатимизнинг энг катта байрами — Ўзбекистон мустақиллиги куни арафасида бўлиб ўтади. Мустақиллик ҳамма ишларимизнинг асоси, шундай эмасми?**

— Чиндан ҳам, Мустақиллик миллий ғурурни, миллий тафаккурни уйғотади, халқни халқ, миллатни миллат қилади. Юртбошимиз айтганларидек, «Мустақил Ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир». Жаҳон афкор оммасига танилган Ўзбекистон Ислом Каримов томонидан яратилган ривожланишнинг ўзбек моделига амал қилиб, юксалиш йўлида дадил қадам ташламоқда.

Аввало, шуни айтиш жоизки, мустақиллик биз учун улуғ неъмат, муқаддас инъомдир. Халқимиз қисқа муддат ичида мамлакатимизда тарихий ижобий ўзгаришлар рўй берганлиги ва бераётганлигини теран ҳис қилмоқда, кундалик турмушда бунга гувоҳ бўлмоқда.

Ҳар бир фуқаромиз мустақилликнинг қадрини билиб, бу катта бойлик ўзликни англаш, ўзини эркин инсон деб ҳис этиш учун берилган беқиёс имкон, деб қабул қилмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари мобайнида юртбошимиз раҳбарлигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Уларнинг аниқ самараларини халқимиз ўз кундалик ҳаётида кўриб турибди. Ўзгариш, янгиланиш, эркин, адолатли жамият қуришга интилиш, бу йўлда демократик тамойилларга риоя этиш ҳаёт тарзимизга айланмоқда. Халқимиз Ватанимиз қудратини ошириш, давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, келажак авлодни баркамол қилиб тарбиялаш йўлида астойдил меҳнат қилиб, давлатимиз олиб бораётган оқилона ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватламоқда.

**— Бир нечта кундан сўнг иш бошлайдиган Олий Мажлиснинг навбатдаги ўн иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Сиз раҳбарлик қилаётган депутатлар ишчи гуруҳининг иш фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.**

— Олий Мажлиснинг навбатдаги ўн иккинчи сессияси мамлакатимиз ҳаётида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ушбу сессия жамиятимиздаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни таъминлашга қаратилган бир қатор муҳим қонунлар ва қарорлар лойиҳаларини кўриб чиқиши, қабул қилиши лозим. Жамиятимиз олдида турган вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессияси муҳокамасига йигирмага яқин масалалар киритилиши мўлжалланмоқда.

Сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи Олий Мажлис Кенгашининг мажлисида ушбу сессияни чақириш ҳақида қарор қабул қилиниши биланоқ ташкил этилганди.

Ушбу ишчи гуруҳи аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланиб, турли йўналишлар бўйича учта кичик гуруҳ тузилди. Депутат Б. Наимов бошчилигидаги биринчи кичик гуруҳга Олий Мажлис муҳокамасига киритиладиган ҳужжатларни ва сессия кун тартибига оид таклифларни тайёрлаш, қонунларнинг лойиҳаларини депутатларга ўз вақтида етказиб бериш, шунингдек, келаётган мулоҳаза ва таклифларни умумлаштириш ҳамда сессия Котибиятининг ишини ташкил этиш масалалари билан шуғулланиш топширилди.

Иккинчи ва учинчи кичик гуруҳларга депутатлар Ў. Ҳошимов ва Ш. Жўраев раҳбарлик қилмоқда. Бу кичик гуруҳлар сессия ишини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ва депутатларнинг самарали ва унумли ишлаши учун зарур шарт-шароит яратиш, қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар устида олиб борилаётган ишларни, қўмиталар, сиёсий партиялар депутатлар фракцияларининг мажлислари, сессия ишини оммавий ахборот воситаларида ҳар томонлама ёритиш вазифаларини бажармоқдалар.

Сессияга жиддий тайёргарлик кўрилганлигини шундан ҳам билса бўладики, кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилиш мақсадида депутатларимизга ўз вақтида етказиб берилди. Сессия кун тартибига иккинчи ўқишда киритилган қонун лойиҳалари «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинди. Бундан ташқари, депутатларимиз ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиб, сессия кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган қонун лойиҳаларининг моҳияти, долзарблиги ва муҳимлигини батафсил тушунтириб бермоқдалар. Учрашувларда тушаётган таклиф ва мулоҳазалар ишчи гуруҳига юборилмоқда. Таклифлар умумлаштирилиб, улардаң қонун лойиҳаларини такомиллаштиришда фойдаланилмоқда. Бу эса қонунларимизнинг ҳаётийлигини оширишга замин яратади.

**— Республикамиздаги бугунги ўзгаришлар нуқтаи назаридан қараганда, сессияда муҳокама қилинадиган қонун лойиҳаларининг йўналишлари, ўзига хос хусусиятлари қандай? Улар ислоҳотларни чуқурлаштиришда қай даражада хизмат қилади?**

— Мустақиллик ва ислоҳот сўзлари бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунки фақат мустақил давлатдагина, мустақил жамиятдагина ислоҳотларни амалга ошириш мумкин. Мустақиллик ҳам, ислоҳотлар ҳам халқимиз яхши яшаши, муносиб турмуш даражасига эришиши учун зарур шарт-шароит яратади.

Ислоҳотлар ана шу олий мақсадларни амалга ошириш воситасидир. Улар Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашининг асосий шарти ва омилидир.

Хабарингиз бор, Олий Мажлиснинг аввалги сессиясида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратилган Ер кодекси, Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), Фермер хўжалиги ва Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган эди. Бу қонунларнинг қабул қилиниши, Президентимиз айтганидек, тўртта муҳим масалани ечиб беради.

Биринчиси — қишлоқ хўжалигидаги мулк масаласи.

Иккинчиси — деҳқонларнинг, қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг мулкка эгалик қилиш ҳиссини шакллантириш, мустаҳкамлаш масаласи.

Учинчиси — бу қонунлар орқали қишлоқ жойларида, керак бўлса, бутун иқтисодиётимизда бу борадаги ишларни мутлақо янги асосда ташкил этиш, бугун замон талаб қилаётган услубларга ўтишдир.

Тўртинчиси — энг муҳим масала — бу қонунлар Ўзбекистонда янги синф, янги тоифа мулк эгалари пайдо бўлишига мустаҳкам ҳуқуқий шароит яратади.

Мазкур қонунлар билан узвий боғлиқ бўлган «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун лойиҳаси сессияда иккинчи ўқишда кўрилади. Ушбу қонун лойиҳаси давлат ер кадастри юритишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатларини таъминлаш, ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш учун кадастр маълумотларидан фойдаланишга мўлжалланган.

Президентимиз Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқларида муҳим бир масалага тўхталиб ўтдилар. У ҳам бўлса, қишлоқ хўжалигига доир қонунларда. белгиланган талаб ва шартларнинг бажарилишини назорат қилиш масаласи.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида Президент Фармони эълон қилинди. «Давлат ва ер кадастри тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 8-моддасида мазкур қўмитанинг давлат ер кадастри юритиш соҳасидаги ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилди. Қонун лойиҳасида ер кадастрини юритиш соҳасидаги Вазирлар Маҳкамасининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ваколатлари ҳам батафсил ёритилган. Шунингдек, қонун лойиҳасида ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш, тупроқ бонитировкаси, ерларнинг қиймат баҳоси каби муҳим масалалар ўз аксини топган.

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда депутатлар муҳокамасига киритилмоқда. Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида бу қонуннинг аҳамияти каттадир. Чунки мазкур қонун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномаларни тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш ва бажаришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бу борада юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилади. Бундан ташқари, қонун хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шартнома интизомини мустаҳкамлашни таъминлашда давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ва давлат бошқаруви органларининг ваколатларини белгилайди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 23 июлда бўлиб ўтган мажлисида Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш борасидаги ишлар фаоллашди. Бунда ҳукумат даражасида тузилган махсус комиссиялар фаолияти, корхоналар ва бутун бир тармоқларни қайта тузиш, кам самарали ишлаб чиқаришларни санация қилиш борасида кўрилган чора-тадбирлар сезиларли аҳамият касб этди. Хўжалик судларининг банкрот бўлган корхоналарга нисбатан кўрган қатъий ва дадил чоралари яхши самара берди.

Ўйлайманки, сессия муҳокамасига киритилаётган янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бу борадаги ишларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилади. Қонун қарздорни банкрот деб топиш ёки у ўзини банкрот деб эълон қилишининг асосларини белгилаб беради. Бундан мақсад барча манфаатдор шахсларнинг қонуний талабларини тўла ҳимоя қилишдир. Қонун, шунингдек, банкротликнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш, ташқаридан бошқариш, тугатиш ва кредиторларнинг талабларини тўлиқ бажаришга қодир бўлмаган ҳолларда юзага келадиган бошқа муносабатларни тартибга солишнинг қоида ва шартларини мустаҳкамлаб беради.

**— Сессия кун тартибида бугунги кунда ўта муҳим, деб қаралаётган «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги, «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги, «Уй-жой кодекси» ҳамда «Реклама тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам муҳокама этилади. Ушбу ҳужжатларнинг мақсади ва ҳаётимиздаги ижтимоий аҳамияти нималардан иборат?**

— Ҳар бир киритилаётган қонун жамиятимиз ва фуқароларимиз учун аҳамияти жиҳатидан муҳимдир. Мен қисқача бу ҳужжатлар хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

«Автомобиль транспорти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси автомобиль транспорти соҳасининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга қаратилган бўлиб, автомобиль транспортининг мулк шаклларини, автомобилда ташиш турларини, автомобиль транспорти соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришни белгилайди. Лойиҳада ушбу соҳани бошқарувчи давлат органларининг асосий ваколатлари, автомобилда ташишларни лицензиялаш, автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи, ташувчи ва мижознинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик каби муҳим масалалар ҳам ўз аксини топган.

«Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса қимматли қоғозлар бозорини янада фаоллаштиришга йўналтирилган. Депозитарийлар қимматли қоғозларни сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш бўйича фаолият юритувчи қимматли қоғозлар бозори институтлари бўлиб, улар ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар томонидан тузилиши мумкин. Депозитарий фаолиятига лицензия бериш, уни тўхтатиш, депозитарий ҳуқуқ ва вазифалари, депонентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби муҳим масалалар лойиҳада атрофлича ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг амалда бўлган «Адвокатура тўғрисида»ги қонунини ривожлантириш мақсадида «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Мазкур қонун адвокатларнинг роли ва масъулиятини оширишга, адвокатлик фаолиятининг ҳар қандай таъсирдан мустақиллигини таъминлашга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вақтида малакали юридик ёрдам олишлари учун шарт-шароит яратишга кўмаклашишга ҳуқуқий асос бўлади. Қонун лойиҳасида адвокатлик фаолиятининг асосий принциплари ва ваколатларини, адвокатлик даҳлсизлиги ва давлат томонидан ҳимоя қилинишининг кафолатларини белгиловчи нормалар ўз ифодасини топган. Унда биринчи марта адвокатларнинг қасамёд қабул қилиши назарда тутилган ва адвокатлик фаолиятига аралашмаслик тўғрисида қоида киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдир», деб мустаҳкамлаб қўйилган. Депутатлар муҳокамасига киритилаётган «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги қонун лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эга. У Ўзбекистон халқининг бой маданий меросини асраш, маданий бойликларни қонунга хилоф равишда олиб чиқилиши ва олиб кирилишига йўл қўймаслик, уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, уларнинг Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикасига олиб кирилишининг ягона тартибини белгилаш, шунингдек, халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашишни назарда тутади.

Маълумки, мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ давлатимиз уй-жой масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Жумладан, биринчи галда халқ таълими ва тиббиёт ходимларига улар яшаб турган уйларни хусусийлаштиришга шароит яратиб берилди. Қишлоқ жойларида яшаётган кўп болалик оилаларга уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилди. Навбатдаги сессия кун тартибига биринчи ўқишда киритилаётган «Уй-жой кодекси» лойиҳаси бу соҳадаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутиб, уй-жой биноларига мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқининг юзага келиши, амалга оширилиши, ўзгариши ва бекор бўлиши, уй-жой фондини ҳисобга олиш, уй-жой асралиши, сақланиши ва таъмирланишини таъминлаш, фуқароларнинг уй-жой ҳуқуқларига риоя этилиши ва уй-жой фондидан фойдаланилишини назорат қилиш масалаларини ҳал этиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

---

## Ўзбек модели: тамойил ва самара

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида барча постсовет мамлакатларида бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам эски республикалараро хўжалик алоқаларининг узилиши, янгиларининг эса ҳали шаклланиб улгурмаганлиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан чуқур структуравий қайта қуришларни амалга ошириш зарурати туфайли бир қатор иқтисодий қийинчиликларга рўбарў келинди. Бу шароитда ишлаб чиқариш воситалари бозорида ҳам, истеъмол бозорида ҳам тақчиллик юз берди. Ана шу вазиятдан ҳар ким ўз билганича чиқиб кетишга уринди. Ўзбекистон ҳукумати эса бошқалардан фарқли ўлароқ, хийла қийин ва мураккаб, маълум вақтни талаб этадиган йўлдан — мавжуд барча ресурслар потенциалини сафарбар қилиш орқали саноат, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатишнинг улкан индустриясини бозор муносабатларига мослаб яратиш йўлидан борди. Чет эл инвестиция ва кредитлари ҳам ана шу мақсадга сарфланди. Натижада келгусида иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам негиз ҳозирланди. Бу эса бош вазифани ҳал этиш, яъни макроиқтисодий барқарорлаштиришда ижобий силжишларни йилдан-йилга мустаҳкамлаб бориш имконини берди.

Иқтисодий тангликдан одатда кўпчилик мамлакатлар тинка-мадори қуриб, қарзга ботиб чиқади. **Ўзбекистон эса кучқудратга тўлиб, имкониятлари кенгайиб чиқмоқда.** Бу, афсуски, ҳали кам ўрганилган ва кам ёритилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбекона хусусияти бўлиб ҳисобланади.

Хўш, иқтисодий ривожланиш қайси мезон ва кўрсаткичлар билан ўлчанади? Унинг барча иқтисодий система ва мамлакатлар учун ягона ўлчови борми?

Иқтисодий тараққиёт мамлакат миқёсидан то хўжалик даражасигача бўлган турли хил иқтисодий кўрсаткичлар силсиласида ифодаланади. Улар орасида энг муҳими — ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва хизмат даражасидир.

Макроиқтисодий даражада иқтисодий ривожланишнинг ўлчови сифатида ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромад, ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари қўлланилади.

Ялпи ички маҳсулот мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, у ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятининг пировард натижаларини ўз ичига олади.

### Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши

| 1996 й. | | 1997 й. | | 1998 й. (январь-март) | |
|---|---|---|---|---|---|
| млрд.сўм | 1995 й.га нисбатан % ҳисобида | млрд.сўм | 1996й.га нисбатан % ҳисобида | млрд.сўм (жорий нарх) | 1997 й. январь-мартига нисбатан % ҳисобида |
| 559,1 | 101,7 | 987,4 | 105,2 | 226,8 | 103,3 |

Ялпи ички маҳсулотнинг 15,9 фоизи саноат тармоқларида, 26,8 — қишлоқ хўжалигида, 5,9 — транспорт ва алоқада, 8,0 — қурилишда, 8,3 — савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида, 22,4 — хизмат кўрсатиш соҳаларида ва 12, 7 фоизи маҳсулот ва ташқи савдодан тушган соф солиқлардан таркиб топмоқда.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг қатор йилларга индексларда ифодаланиши ва бошқа мамлакатлар билан таққосланиши, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Унинг доимий баҳоларда ўсиши мамлакат иқтисодиёти тараққиётнинг умумий тенденцияларини ўзида акс эттиради, юргизилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигини баҳолайди.

### МДҲ мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш индекслари

| | Ўтган йилга нисбатан % ҳисобида | | | | | | 1990 йилга нисбатан % ҳисобида | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1992 | 1993 | 1994 | 1995 | 1996 | 1997 | 1996 | 1997 |
| Ўзбекистон | 88,9 | 97,7 | 94,8 | 99,1 | 101,7 | 105,2 | 82 | 86 |
| Озарбойжон | 77,4 | 76,9 | 80,3 | 88,2 | 101,3 | 105,8 | 42 | 44 |
| Арманистон | 58,2 | 91,2 | 105,4 | 106,9 | 105,8 | 103,0 * | 56 | 58 |
| Белорусь | 90,4 | 92,4 | 87,4 | 89,6 | 102,5 | 110,0 | 66 | 73 |
| Грузия | 55,1 | 70,7 | 108,7 | 103,3 | 111,0 | 111,3 | 38 | 42 |
| Қозоғистон | 94,7 | 89,4 | 87,4 | 91,8 | 100,5 | 102,0 | 61 | 62 |
| Қирғизистон | 86,1 | 84,5 | 79,9 | 94,6 | 107,1 | 110,4 | 154 | 60 |
| Молдова | 71,0 | 98,8 | 69,1 | 98,1 | 92,2 | 101,3 | 36 | 37 |
| Россия | 85,5 | 91,3 | 87,3 | 95,9 | 95,1 | 100,4 | 59 | 59 |
| Тожикистон | ... | 82,7 | 87,3 | 87,6 | 83,3 | 101,7 | ... | ... |
| Туркманистон | ... | 101,6 | 83,3 | 90,7 | 100,1 | ... | ... | ... |
| Украина | 90,1 | 85,8 | 77,1 | 87,8 | 90,0 | 97 | 43 | 42 |

Ривожланишнинг йиллик суръатлари ҳақидаги маълумотлар иқтисодий ислоҳотлар йилларида Ҳамдўстлик давлатларида юз бераётган чуқур иқтисодий пасайишни кўрсатади.

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра , Белорусда 1997 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 10, Грузияда 11,3, Қирғизистонда 10,4 фоизга ошганини кўрамиз. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 5,2 фоизга тенг бўлган. Лекин юқорида қайд этилган учта мамлакатда иқтисодий вазият анча тез суръатларда ўнгланаётган экан, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Бу ҳақда жадвалнинг иккинчи қисми объективроқ хулоса чиқариш учун имконият беради.

Агар суръат қаторларини 1990 йилга нисбатан таҳлил қиладиган бўлсак, МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти кўпроқ ижобий натижаларга эришганининг гувоҳи бўламиз. Озарбойжон, Грузия, Молдова ва Украина мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ҳажми 1990 йил даражасининг ҳали ярмига ҳам етгани йўқ (37-44%). Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия каби мамлакатларда унинг миқдори 1990 йил даражасининг 58-62 фоизини ташкил этмоқда, холос. Белорусда бу кўрсаткич 73 фоиздан иборат.

Ўзбекистонда эса 1996 йили ялпи ички маҳсулот ҳажми 1990 йил даражасидан 18 фоизга паст бўлди. 1997 йилга келиб бу фарқ бироз қисқарди ва 14 фоизни ташкил этди. Шундай қилиб, бу муҳим иқтисодий кўрсаткич бўйича ислоҳотдан олдинги даражанинг 86 фоизига эришилди. Бошқа бирорта иқтисодий ислоҳотларни ўтказаётган мамлакат бундай кўрсаткичга эга эмас.

Демак, Белорусь, Қирғизистон ва Грузияда 1997 йилдаги иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичи ислоҳотлар бошланишидан олдинги даврга нисбатан эмас, балки 1996 йилга нисбатан олинган. 1996 йилда эса ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 1991 йилга нисабатан Белорусда — 65, Қирғизистонда — 58, Грузияда атиги 29 фоиз бўлган, холос. Фикримизнинг далили сифатида МДҲ мамлакатларида бу йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларини кўрсатиш кифоя.

### 1991-1997 йилларда МДҲ мамлакатларида саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари (1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

| | 1990 | 1991 | 1992 | 1993 | 1994 | 1995 | 1996 | 1997 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон | 100 | 101,5 | 94,7 | 98,1 | 99,7 | 100,0 | 106,0 | 112,7 |
| Белорусь | 100 | 99,0 | 89,7 | 80,7 | 66,9 | 59,1 | 61,0 | 71 |
| Қирғизистон | 100 | 99,7 | 73,4 | 54,8 | 39,5 | 32,4 | 35,0 | 51 |
| Украина | 100 | 95,2 | 89,1 | 82,0 | 59,6 | 52,4 | 50,0 | 49 |
| Қозоғистон | 100 | 99,1 | 85,4 | 72,8 | 52,3 | 48,0 | 48,0 | 49 |
| Россия | 100 | 92,0 | 75,4 | 64,8 | 51,3 | 49,6 | 48,0 | 48 |
| Арманистон | 100 | 92,3 | 47,8 | 42,9 | 45,2 | 46,2 | 47,0 | 47 |
| Озарбойжон | 100 | 104,8 | 80,0 | 74,4 | 57,5 | 47,6 | 44,0 | 44 |
| Молдова | 100 | 88,9 | 64,8 | 65,0 | 47,0 | 45,2 | 42,2 | 41 |
| Грузия | 100 | 77,4 | 41,9 | 30,8 | 18,6 | 16,8 | 18,0 | 19 |

1997 йилда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 12,7 фоиз ўсди. Бу кўрсаткич Белорусда 1990 йил даражасининг 71, Қирғизистонда 51 фоизини ташкил этди. Қолган бирорта мамлакат ислоҳотдан олдинги даражанинг ярмига эришгани йўқ.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун 1995 йил бурилиш йили бўлди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши кескин секинлашди, бир йилда у ҳаммаси бўлиб 0,9 фоизга тенг бўлди ва 1996 йилдан бошлаб ҳозиргача ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарор ижобий динамикаси давом этмоқда: 1996 йилда унинг ўсиши 1,7 фоизни, 1997 йилда 5,2 фоизни, жорий йилнинг биринчи чорагида 3,3, иккинчи чорагида 4,1, ярим йил бўйича эса 4 фоизни ташкил этди. Бинобарин, **мамлакатимиз 1998 йил натижалари бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1990 йил даражасига эришишда ҳал қилувчи қадам ташлади.** Саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича бу даражага мамлакатимиз 1995 йилда тўла эришган эди.

Шундай қилиб, **ҳали ўтиш даврининг ўзидаёқ Ўзбекистонда кўп укладли, аралаш, кўп тармоқли, ташқи беқарорлаштирувчи омиллардан холи бўлган миллий бозор иқтисодиётининг шаклланиши асосан тугалланди.**

Иқтисодиётдаги бу қадар чуқур ижобий силжишлар ўз-ўзидан юз бергани йўқ, албатта. Бу борада ҳукумат иқтисодий сиёсати, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш стратегияси муҳим, ҳал қилувчи роль ўйнади. Мамлакатда миллий иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида ўзгартириш тадбирлари макроиқтисодиётни барқарорлаштириш дастурлари билан қўшиб олиб борилди. Бу ҳам ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бу ҳолат ислоҳотларни амалга ошириш суръатларига таъсир этмасдан қолмади. Аммо танглиқдан чиқишнинг бошқа қулай йўли ҳам йўқ, бу тадбирларга тарих ажратган вақт ҳам кўп эмас эди. Халқ хўжалигида асосий структуравий қайта қуришларни тез суръатларда амалга оширишга алоҳида эътибор берилди. Ёқилғи-энергетика, машинасозлик, кимё, транспорт ва алоқа, йўл қурилиши, қайта ишлаш каби устувор соҳалар ривожлантирилди. Бу устувор соҳаларнинг ривожлантирилиши, биринчидан, айрим стратегик маҳсулотлар бўйича мамлакатни ташқи бозорга қарамликдан халос қилган бўлса, иккинчидан, бу соҳалар қолган тармоқ ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришда ўзига хос етакловчи восита бўлиб хизмат қилди.

Устувор соҳаларни белгилаш, иқтисодиётда структуравий ўзгаришларни амалга ошириш халқ хўжалигини аниқ мақсадли молиялаштириш (инвестициялаш) эвазига таъминланди. Барча инвестицияларнинг қарийб учдан икки қисми ишлаб чиқариш объектлари қурилишига йўналтирилди. Ҳозир саноат умумий инвестицияси миқдорида ёқилғи-энергетика комплексининг ҳиссаси 43 фоизни ташкил этмоқда. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестицияларнинг учдан бир қисми транспорт ва алоқани ривожлантиришга сарфланмоқда. Шунингдек, саноат умумий инвестицияларида металлургия, кимё ва нефть кимёсининг улуши ҳам сезиларли бўлмоқда. Агросаноат мажмуи қурилишлари эса ишлаб чиқариш инвестицияларида 17 фоизга тенгдир.

Ислоҳотлар тақдири кўп жиҳатдан жамиятда мулкий муносабатларни такомиллаштиришга боғлиқлиги ҳаммага маълум. 1997 йилда, масалан, ялпи ички маҳсулотнинг 61,3 фоизи, саноат маҳсулоти ҳажмининг 59,0, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 99,0, қурилиш-пудрат ишлари ҳажмининг 71,9, чакана товар обороти умумий ҳажмининг 95,3 фоизи нодавлат мулкига оид секторларда яратилди. Ҳозир нодавлат секторида ҳаракатдаги корхоналарнинг 84,1, иқтисодиётда иш билан банд бўлганларнинг 71,3 фоизи жойлашган. 1998 йилнинг бошига келиб давлат корхоналари мавжуд барча корхоналарнинг атиги 12,1 фоизини ташкил этди. Ҳаракатдаги корхоналарнинг 46,2 фоизи хусусий, 38,8 фоизи жамоа мулкига тегишлидир. Аммо шунга қарамасдан, яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг 1998 йил биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисда республика Президенти Ислом Каримов реал мулкдорлар пайдо бўлиш жараёни суст кетмоқда, баъзи жойларда хўжакўрсинга ўтказилмоқда, корхоналарни бошқариш тизимида туб ўзгаришлар йўқ, деб айтди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми қанчалик универсал кўрсаткич бўлмасин, лекин барибир у иқтисодиётда кечаётган чуқур сифат ўзгаришларини ўзида тўла акс эттира олмайди. Шунинг учун ҳам уни тўлдирадиган қўшимча иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим бўлади.

Ўтган йил натижаларига кўра, **ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажми суръатлари биринчи марта аҳоли сони ўсиш суръатларидан устун бўлишига эришилди**. Бу ўта муҳим сифат кўрсаткичи бўлиб, иқтисодиётимизда 1980 йилдан кейин кузатилмаган эди. Натижада ялпи ички маҳсулот миқдорини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,2 фоизга оширишга муваффақ бўлинди. Бу мамлакат иқтисодий қудрати ва аҳоли ҳаёт даражасини белгилайдиган муҳим мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Муҳим сифат кўрсаткичларидан яна бири шуки, ўтган йилдан бошлаб **ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ўсиши билан бирга кечмоқда.**

Иқтисодий ўсиш суръатлари таҳлили шуни кўрсатадики, бу жараён **инфляциянинг паст суръатлари, ялпи ички маҳсулот ҳажмида жамғариш ва инвестициянинг юқори улуши, ялпи ички маҳсулотда давлат бошқариши харажатларининг нисбатан паст даражаси, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини нисбатан очиқ характери ва бошқа сифат ўзгаришлари баробарида кечмоқда.**

1997 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 5,25 фоиз ўсиши инфляция суръатларининг бир йилда 13,6 нуқтага пасайиши жараёнида юз берди.

Асосий капиталга инвестициялар қўйиш молиялаштиришнинг барча манбалари бўйича бир йилда 17 фоиз ошиб, унинг ҳажми 271,6 млрд. сўмни ташкил этди. Асосий капиталда инвестицияларнинг улуши ҳам ўсиб, 1997 йили 34,6 фоизга тенг бўлди. Ялпи ички маҳсулотда бошқариш харажатлари 1996 йилда 0,9 фоиз бўлган бўлса, 1997 йилда 0,7 фоизга баробарлашди. Бошқа давлатларга нисбатан бу анча паст даража ҳисобланади.

Фақат кейинги бир йил ичида Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳажми 40 фоиз кўпайди. Бевосита чет эл инвестициялари ва кредитлари эса 2,8 марта ошди. Иқтисодиётни ривожлантиришга киритилаётган чет эл инвестицияларининг ошиши, бир томондан, мамлакат иқтисодиётининг очиқ характерини ифодаласа, иккинчи томондан, ҳозирги замон технологиясининг қўлланилишини, импортнинг ўрнини босадиган ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини билдиради. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларнинг йўлига тўла мувофиқ келади.

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши амалда иқтисодиётнинг барча тармоқ ва бўлимларининг тўхтовсиз ўсиши негизида амалга ошмоқда. Масалан, биргина ўтган йил давомида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,5 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 11,2, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 5,8, чакана товар обороти 12,7 ва аҳолига хизмат кўрсатиш 21,3 фоиз кўпайди.

Бундай натижалар ўз навбатида аҳоли турмуш даражасини кўтаришга — унинг пул ва реал даромадларини, пенсия, стипендия ва бошқа имтиёзларни кўпайтириш, уй-жой, мактаб, тиббиёт объектлари қурилишини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш — ягона ва пировард мақсад эмас. Ялпи ички маҳсулот таркибини такомиллаштириш, бозор тан оладиган, кишиларнинг кундалик эҳтиёжини бевосита қондирадиган, сифатли, яъни экспорт талабларига жавоб берадиган маҳсулот ва хизмат турларини муттасил кўпайтириб бориш бош мақсадлардан ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки кишилар учун амалга оширилади. Шундагина ислоҳотлар чуқур мазмун касб этади, кишиларни самарали меҳнатга рағбатлантиради.

Мустақиллик йиллари давомида кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистон ҳукуматининг устун ва изчил сиёсатларидан бири бўлиб қолмоқда. Дарҳақиқат, **ҳар қандай ҳукумат фаолиятининг якуни сифатида иккита мезон бўйича ҳукм чиқарилади: биринчиси — халқнинг фаровонлиги бўлса, иккинчиси давлатнинг халқаро майдондаги салоҳиятидир. Ҳар иккала йўналишда ҳам жиддий силжишларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.**

Мустақилликнинг яна бир йили ўтмоқда. Йилдан-йилга унинг залвори ҳам ортмоқда.

**Нурислом ТЎХЛИЕВ,**
**иқтисод фанлари доктори,**
**профессор.**

«Реклама тўғрисида»ги қонун рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, реклама берувчиларнинг масъулиятини ошириш, нотўғри реклама тарқатилишининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик чора-тадбирларини белгилаш, шунингдек, рекламанинг умумэътироф этган ахлоқ нормаларига зарар етказилишининг олдини олиш, ҳимоя чораларини кўриш каби мақсадларни кўзлайди.

**— Парламентнинг ўн иккинчи сессиясида муҳокама қилиниши мўлжалланаётган масалалар орасида «Эл-юрт ҳурмати» ордени лойиҳаси ҳам бор. Шунингдек, сессияда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонини таъсис этиш ҳам кўзда тутилмоқда. Сизнинг назарингизда, уларнинг моҳияти нимада?**

— Истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвони ва шу мукофотга доир «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Амир Темур», «Буюк хизматлари учун», «Дўстлик», «Соғлом авлод учун» орденлари, «Жасорат», «Шуҳрат» медаллари каби ўз орден ва медаллари яратилди.

Фуқароларимизда ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатларни тарбиялашда, шунингдек, уларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, халқ хўжалиги, фан ва маданиятни юксалтириш ишига қўшган ҳиссалари учун рағбатлантиришда давлат мукофотларининг роли ниҳоятда муҳимдир. Чунки меҳнаткаш рағбатлантирилса, у янада самарали ишлашга интилади.

Депутатларимиз муҳокамасига Президентимиз ташаббуси билан яратилган «Эл-юрт ҳурмати» ордени лойиҳасининг киритилганлиги ана шу мақсадда қўйилаётган яна бир янги қадамдир.

«Эл-юрт ҳурмати» орденини таъсис этиш тўғрисидаги Президентимиз Фармони давлатимизнинг Оила йилига муносиб ҳиссаси, деб биламан. Эл-юрт ҳурматига фақат олий жаноб инсонларгина сазовор бўла оладилар. Эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган инсонлар ўз оиласида ҳам, ишлаётган жамоасида ҳам, яшаётган маҳалласида ҳам ҳаммага ўрнак бўладилар. Улар оила мустаҳкамлигининг гаровидир.

Шу боисдан ҳам «Эл-юрт ҳурмати» ордени Низоми лойиҳасида белгилаб қўйилганки, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан давлатимиз мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланадилар».

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони эса машҳур спортчиларни рағбатлантиришга мўлжаллангандир. «Спорт — тинчлик элчиси», деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам истиқлол йилларида бизнинг спортчиларимиз халқаро мусобақаларда иштирок этиб, юксак маҳорат кўрсатиб совринли ўринларга эга бўлмоқдалар, Ўзбекистон обрўсига обрў қўшмоқдалар. Шунинг учун улар меҳнатини давлат томонидан тақдирлаш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу унвонга доир Низом лойиҳасида «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони Олимпия ўйинларида, жаҳон ва қитъа чемпионатларида, бошқа халқаро биринчиликларда юқори спорт натижаларига эришган ҳамда ўз ютуқлари билан Ўзбекистон обрўсини оширишга кўмаклашаётган таниқли спортчиларга берилади», деб мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Кўриб турибсизки, Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессияси кун тартиби жуда тиғиз. Биз юқорида тилга олиб ўтган масалалар билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси, икки томонлама битимларни ратификация қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Олий Мажлис қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги, шунингдек, Олий Мажлиснинг ваколатига кирувчи яна бир қанча масалалар депутатларимиз муҳокамасига киритилмоқда.

Умумлаштириб шуни айтмоқчи эдимки, Олий Мажлис сессияси унумли ишлаши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ўйлайманки, қабул қилинажак қонун ва қарорлар мамлакатимиз иқтисодини янада ривожлантиришга, халқимиз турмушини юксалтиришга хизмат қилади. Биз, депутатларнинг олдимизда турган вазифа — қонун ва қарорларни ҳаётга татбиқ этишда янада фаол иштирок этишдир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Ойбек РАҲИМОВ**
**суҳбатлашди.**

*Чортоқ туманида «Роҳат» ҳиссадорлик жамиятининг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай, жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган 4 турдаги чанқовбосди ичимликлар аллақачон ўз харидорларини топган. Эҳтиёж ошгани боис корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ўтган йилга нисбатан 1 ярим баравар ортди.*



**СУРАТЛАРДА:** ҳиссадорлик жамияти бошлиғи Олимжон Қозоқов ва ишчи Моҳирахон Тошматова.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 25 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 59,74 | 1 Норвегия кронаси | 13,31 |
| 1 Австрия шиллинги | 8,12 | 1 Польша злотийси | 27,22 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 168,25 | 10 Португалия эскудоси | 5,60 |
| 10 Бельгия франки | 27,71 | 1 Сингапур доллари | 58,20 |
| 1 Голландия гульдени | 50,68 | 1 СДР | 136,40 |
| 10 Греция драхмаси | 3,39 | 1000 Туркия лираси | 0,37 |
| 1 Дания кронаси | 15,01 | 1 Финляндия маркаси | 18,82 |
| 1 БАА дирхами | 28,02 | 1 Франция франки | 17,05 |
| 1 АҚШ доллари | 102,90 | 1 Швеция кронаси | 12,62 |
| 1 Миср фунти | 30,26 | 1 Швейцария франки | 68,55 |
| 1 Ирландия фунти | 142,99 | 1 ЭКЮ | 112,81 |
| 1 Исландия кронаси | 1,44 | 10 Жанубий Корея вони | 0,79 |
| 10 Испания песети | 6,73 | 10 Япония иенаси | 7,11 |
| 100 Италия лираси | 5,79 | 1 Россия рубли | 14,69 |
| 1 Канада доллари | 66,68 | 1 Украина гривнаси | 46,02 |
| 1 Хитой юани | 12,43 | 1000 Беларусь рубли | 2,24 |
| 1 Қувайт динори | 336,82 | 1 Латвия лати | 170,19 |
| 100 Ливан фунти | 6,77 | 1 Литва лити | 25,73 |
| 1 Малайзия ринггити | 24,36 | 1 Молдава лейи | 21,56 |
| 1 Германия маркаси | 57,16 | 1 Қирғизистон соми | 5,19 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

KAFOLAT

**"КАФОЛАТ"**
**ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ**

*қадрли ватандошлар, сизларни муборак сана-мустақиллигимизнинг етти йиллиги билан қизғин қутлайди.*

*Бу қувончли байрамда барчангизга мустаҳкам соғлик, меҳру муҳаббат,*
*Ватанимиз равнақи йўлидаги бунёдкорлик меҳнатингизда*
*катта зафарлар тилаймиз !*
*Бахтли бўлинглар !*
*Сизга хизмат кўрсатишдан мамнунмиз !*

LI.@876

UZBEKISTAN TURKISH BANK

**ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,**
**АЗИЗ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР !**



UZBEKISTAN TURKISH BANK



**Ўзбекистон-Туркия қўшма банки —**
**«ЎТ-банк» жамоаси**

Мустақилликнинг 7 йиллиги байрами муносабати билан бутун мамлакат фуқароларини чин дилдан, самимий муборакбод этади. Муборак байрам арафасида уларга соғлик-саломатлик, тинчлик-тотувлик, яратувчилик меҳнатларида улкан муваффақиятлар тилайди.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов: «Мустақиллик–ўзбек халқининг тарихий ютуғидир!» дея таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, табиатан ҳурлик ва озодликни беҳад қадрлайдиган эрксевар халқимиз бундай улуғ неъматни узоқ вақтлар орзиқиб кутган эди.

Не бахтки, бузилган тарихий ҳақиқат яна қарор топиб, ўзбекнинг ҳам кўксига офтоб тегди. Эндиликда юртдошларимиз Истиқлол деган буюк тушунчанинг аҳамиятини теран англаб, уни янада мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бунинг натижасида ўтган 7 йил ичида мустақил Ўзбекистонда асрларга татигулик улуғ ўзгаришлар юз берди. Бугун мустақил Ўзбекистон номи дунёда мағрур жаранглаяпти.

*Буларнинг барчаси табаррук Истиқлол шарофатидир !*
*Демак, нондай азиз Истиқлолимизни асраб-авайлаб, унинг камоли йўлида меҳнат қилиш ҳар биримизнинг энг улуғ бурчимиздир. Бундай шарафли вазифани бажаришда барчангизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!*

Банк манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй.
Телефонлар: 77-59-67, 77-45-19. Факс: (3712) 77-34-08, 40-63-62.
Телекс: 116623 UTB RU.

LI.@874

